

1905–1907 йиллардаги сайлов конунларининг чеклангани, шунингдек, марказий ва худудий маъмурларнинг сайлов кампанияларини бошқариш жараёнига бевосита аралашуви шунга олиб келдики, Русия Давлат думасининг инкилобдан олдинги тарихида парламентга жами 79 мусулмон депутати, шундан 25 депутат 1-чакирик Думасига, 37 депутат – иккинчисига, ўн депутат – учинчисига, етти депутат эса тўртинчи чакирик Думасига сайланган эди. Айрим депутатларнинг икки ва ундан кўпроқ марта сайлангани хисобга олинса, мамлакат мусулмон аҳолисининг парламентдаги манфаатларини алоҳида уюшма (фраксия) га уюшган 67 шахс химоя қилган эди. 1907 йилги сайлов конунларининг камситувчи ҳолатига кўра, 1897 йилги аҳоли рўйхати билан солиштирганда айрим мусулмон ўлкаларининг Думадаги ваколати аҳоли сонига мос келмасди. Масалан, тўрттала чакирик Думасида Волга-Урал минтақасидан 40 нафар, Туркистон ва Калмикия ўлкасидан 16, Кофкоз ва Қиримдан 23 депутат сайланган эди. Ваҳоланки, ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида Русия империяси таркибига мусулмонлар яшайдиган улкан худудлар: татарлар ва бошқирлар макон тутган Волга-Урал, ўзбеклар, козоклар, туркманлар ва тожиклар яшайдиган Ўрта Осиё ва Қозогистон, қирим татарлари ва кўп сонли тоғлилар ҳамда озарлар юрти Қирим ва Кофкоз қирган эди. 1897 йилги Бутунрусия аҳоли рўйхати натижаларига кўра, Бухоро ва Хива хонлигини хисобламаганда Русия империясида 13,9 миллион мусулмон яшарди. Буларнинг 3,5 миллиони Русиянинг Оврупа қисмида, 7 миллионга яқини Ўрта Осиёда, уч миллиондан ортиқроғи Кофкозда ва 122 минги Сибирда эди. Фоизга айлантирганда мусулмон аҳоли Оврупа қисмида яшайдиганларнинг 3, 8 фоизини, Ўрта Осиёда 90, 2 фоизини, Кофкозда 34,5, Сибирда 2, 2 фоизини ташкил қиларди. Давлат Думасига депутат сайлашда ана шу омилларнинг эътиборга олинмагани Русия жамоатчилигининг норозилиғи ва қаршилиғига сабаб бўлди. Ўрта осийлик мусулмонлар ваколатини Думада тиклаш талаби ўша пайтдаги мусулмонлар сиёсий платформасининг энг кўп учрайдиган бандларидан эди.

Дилора Усмонова,
Козон Давлат университети дотсенти, тарих фанлари доктори.
(«Биринчи Бутунрусия мусулмон форуми материаллари тўплами» дан).